

«Г А С Д И Қ Л А Й М А Н»
ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва
энергетика бошқармаси бошлиғи



И.Исмоилов

2022 йил

ЗИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасининг ЭЦВ насослар
тулик таъмир учун хизматларини курсатувчи ташкилотни аниклаш буйича

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ

Самарқанд 2022-йил

МУЎДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Таълоғнинг таклиф шакллари
- III Боб. Ётказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қиеми
- V Боб. Шартнома шакли

I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Таълов предмети

Мазкур таълов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Таълов комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари

Қатнашчига таъловда қатнашини учун қўйиладиган малака талаблари

Таълов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

B. Таълов ҳужжатлари

Таълов ҳужжатининг таркиби

Таълов ҳужжатларига аниқлик киритиш

Таълов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

B. Таълов ҳужжатларини тайёрлашни

Таъловда қатнашини харажатлари

Таъловда қўлланиладиган тил

Таълов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Таълов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

G. Таълов таклифининг топширилиши ва очилиши

Таълов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

Таълов таклифларини топширишнинг охириги муддати

Таълов таклифларининг очилиши

D. Таълов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Таълов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

E. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг

A. УМУМНИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, ЗИГХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасининг харажатлар сметасида ажратилган ЗИГХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасининг ЭЦВ насослар тулик таъмир учун ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Тўнламлар сони: 30 кун давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 80 319 637 сўм.

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи кўшимча киймат солиғи билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойланган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 30 кун.

2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатилган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан ЗИГХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасининг ЭЦВ насослар тулик таъмир учун ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи - ЗИГХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

Манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри Рудакий кучаси 174-А уй;

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс - давлат харидлари бўйича мутахассис Бекмуратов Аерор;

Тел.: (91) 524 98 00.

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танловни ўтказди;
- танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган конвертларни очди, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг раъмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг суғий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- тоғиб деб тошилган талабгорлар билан шартнома имзолан бўйича таклиф беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар қиради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тиждат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

-катнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, голибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашнинг учун қўйиладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида маълумотнома;

-юрidik шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралан босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган конвертга **йўллашма хат** билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги хужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);

- танлов таклифи асли (6-шакл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танловда голиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов голиби - таклифларни баҳолаш якуналари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи - танлов голибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- инсофеиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлатилади, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилишни, беришни ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилишни ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устуңлиги ёки манфаатлар тўқнашувиға эға бўлға.

6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тўнган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қондаенга расман алоқадор бўлмаган шахеларға маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАҢЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танлов ҳужжатиғи ва шу билан бирға барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунға қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишининг сўнги муддатида қамида 3 қун олдин сўров манбаенни кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволға ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунға қадар қамида 3 қун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларға маълум қилиб, таклифға тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишға ҳаққидир.

В. ТАҢЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танловда қатнашчи ҳаражатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатиғи тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалға оширилади.

10.2. Парх таклифида кўрсатилган парх танлов таклифи пархи ҳисобланади.

10.3. Танлов таклифи пархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) пархи(таклиф)ға барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларға мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартирилган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган босқичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлов таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлов комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлов номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлов таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов қатнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Қатнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Наёт техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўришишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув каторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлов қатнашчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлов комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИНГ ТОШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

16.1. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини мазкур танлов ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг танлов таклифи, танлов очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлов комиссияси танлов қатнашчисидан таклифнинг амалда

бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг танлов таклифлари dxatid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олин кунни эгиб белгиланади**).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида белатилган тасодифий ҳолатлардан танқари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун қолгунга қадар танлов қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олишни ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлов таклифларининг очилиши

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 кундан кўн бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифлари берилган конвертнинг очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараёнинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлов қатнашчилари танлов комиссияси томонидан эътироф этилган танкилотлар санаб ўтилади, танлов ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида танлов ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов қатнашчилари томонидан эътироф этилган танкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиб ва голибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ГОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлов таклифларини баҳолаш ва голибларни аниқлаш

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танлов қатнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунийлик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларини

баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини караб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган қатнашчи голиб деб ҳисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танловнинг голибни тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Голибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишида иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов голибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдириннома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг etender.uzex.uz маҳсуе порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси:

катнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўнайитириш натижаеида олинган якуний нарх ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устулик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиш мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан ракамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устулик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсага ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов қўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юкори бўлса.

20.5. Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкый ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Танлов

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШИ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлов голиблари ўртасидаги шартнома танлов голиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.xarid.uz маҳсуе порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлов голибни шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун қафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофик кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчининг танлов голибни деб эътироф этиш ёки такрорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Голиб катнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Голиб деб топилган катнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги катнашчи билан шартнома имзоланади.

22.3. Таплов голиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

Акт деффектовки № 1

« 3 » 06 2022 г.

Электронасос типа ЭЦВ 10-160-35 22 квт.

Представитель Сам УНС и Э Рахмонов Ш. и Корабоев М составил настоящий акт диффектовки а том, что в разборки данного электронасоса ЭЦВ 10-160-35 22 квт 5 шт выявлено следующие недостатки по двигательной части.

1	Статор	годен
2	Ротор	годен
3	Втулки	негоден
4	Обмотка	негоден
5	Щиты передные	негоден
6	Подпятники	годен
7	Пятки	негоден
8	Подшипник	негоден
9	Шпилки	негоден
10	Днища	годен
11	Щит задный	годен
12	Вал ротор	годен
13	Гайки,шайбы пл.шайбы гр	негоден
По насосные части:		
1	Рабочи калесо	негоден
2	Подшипники	негоден
3	Втулки	негоден
4	Горшки	годен
5	Шпилки	негоден
6	Муфты	негоден
7	Кольцо плавающее	негоден
8	Отводы	негоден
9	Вал насосный части	годен
10	Втулки распортные	годен
11	Гайки,шайбы пл.шайбы гр	негоден
12	Шпонки	Годен
13	И другие:	негоден





Рахмонов Ш.

Корабоев М.

Акт деффектовки № 2

3 » 06 2022 г.

Электронасос типа ЭЦВ 12-255-30 32 квт.

Представитель Сам УНС и Э Рахмонов Ш. и Корабоев М составил настоящий акт деффектовки а том, что в разборки данного электронасоса ЭЦВ 12-255-30 32 квт 5 шт выявлено следующие недостатки по двигательной части.

1	Статор	годен
2	Ротор	годен
3	Втулки	негоден
4	Обмотка	негоден
5	Щиты передные	негоден
6	Подпятники	негоден
7	Пятки	негоден
8	Подшипник	негоден
9	Шпилки	негоден
10	Днища	годен
11	Щит задный	годен
12	Вал ротор	годен
13	Гайки,шайбы пл.шайбы гр	негоден
По насосные части:		
1	Рабочи калесо	годен
2	Подшипники	негоден
3	Втулки	негоден
4	Горшки	годен
5	Шпилки	негоден
6	Муфты	негоден
7	Кольцо плавающее	негоден
8	Отводы	негоден
9	Вал насосный части	годен
10	Втулки распортные	годен
11	Гайки,шайбы пл.шайбы гр	негоден
12	Шпонки	годен
13	И другие:	негоден



Рахмонов Ш.



Корабоев М.